

**BUXORO VILOYATIDA OLIV TA'LIMNING O'RNI VA ROLI  
(1991-2025 y.y.)**

**Rajabova Zarnigor Alisher qizi**

Buxoro davlat universiteti magistri.

**Zahina0207@gamil.com** 91-310-36-26.

**Bobojonova Feruza Xayatovna**

Buxoro davlat universiteti dotsenti, tarix fanlari nomzodi.

**bobojonova.feruza.71@mail.ru** 95-767-47-74.

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.17069613>**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada mustaqillik yillarda Buxoro viloyatida oliv ta'lanning o'rni va roli masalalari 1991-2015 yillar kesimida tahlil qilinadi. Shuningdek maqolada Buxoro viloyati misolida oliv ta'limgan masalalari atroflichcha bayon etilibgan. Bundan tashqari maqolada Buxorodagi oliv o'quv yurtlari to'g'risida bataysil ma'lumotlar beriladi.

**Kalit so'zlar:** Buxoro viloyati, oliv ta'limgan, ta'limgan islohotlari, talaba, ilmiy salohiyat, universitet, professor-o'qituvchi, bakalavr, magistrant, institut.

**МЕСТО И РОЛЬ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ  
(1991–2025 г.г.)**

**Аннотация.** В данной статье анализируются вопросы места и роли высшего образования в Бухарской области в годы независимости в период 1991–2015 годов. В статье также подробно рассматриваются вопросы высшего образования на примере Бухарской области. Кроме того, в статье представлена подробная информация о высших учебных заведениях Бухары.

**Ключевые слова:** Бухарская область, высшее образование, образовательные реформы, студент, научный потенциал, университет, профессор-преподаватель, бакалавр, магистр, институт.

**THE PLACE AND ROLE OF HIGHER EDUCATION IN BUKHARA REGION  
(1991-2025)**

**Annotation.** This article analyzes the issues of the place and role of higher education in Bukhara region during the years of independence in the period 1991-2025. The article also describes in detail the issues of higher education using the example of Bukhara region. In addition, the article provides detailed information about higher education institutions in Bukhara.

**Key words:** Bukhara region, higher education, educational reforms, student, scientific potential, university, professor, bachelor, master's student, institute.

**Кириш.** Жамиятнинг келажаги таълим тизимининг қай тарзда ривожланганлиги билан белгиланади. Бу борада таълим тизимини ислоҳ қилиш, унга ривожланган хорижий мамлакатларнинг илфор технологияларини жорий этиш, милллий қадриятларимизни сингдирган ҳолда таълимни ташкил этиш, бу жараённи пухта, самарали, сифатли ва замон талабларига мос равишда амалга ошириш ишлари бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган 1991 йилдан буён барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, олий таълим соҳаси мамлакат тараққиётида муҳим стратегик соҳалардан бири сифатида қаралиб, уни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Бухоро вилояти мисолида ушбу даврда олий таълимнинг ривожланиш жараёнлари, шаклланиш босқичлари, ютуқ ва муаммоларини таҳлил қилиш бу соҳанинг истиқболларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро вилояти – Ўзбекистоннинг тарихий, маданий ва маънавий марказларидан бири ҳисобланади. Унинг юксак цивилизацияси, илм-фанга бўлган қадимий эътибори бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, мустақиллик йилларида олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Бухоро вилоятидаги олий таълим муассасалари худудий ривожланишда муҳим омилга айланмоқда.

Бухорода олий таълим тизимининг ҳолатини батафсил таҳлил қилмоқчи бўлсак, Бухоро вилоятида ҳозирги кунда бир нечта олий таълим муассасалари фаолият юритмоқда. Жумладан: Бухоро давлат университети – кўп йўналишli олийгоҳ бўлиб, фаннинг турли соҳаларида мутахассислар тайёрлайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги олий таълим тизими совет давридаги марказлашган тизимдан миллий манфаатларга мослаштирила бошланди. Бухоро вилоятидаги энг йирик таълим муассасаси – Бухоро давлат университети бу даврда янги йўналишлар очиш, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, маҳаллий кадрларни тайёрлашга эътибор қарата бошлади.

Бу даврда таълим сифатига эътибор кучайди. Бухоро муҳандислик-технология институти ташкил этилди ва худуддаги техник йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш имконияти кенгайди. Бухоро муҳандислик-технология институти – саноат, муҳандислик ва технологик соҳаларда етук мутахассислар етиштиришга ихтисослашган. Шунингдек, филиаллар, хусусий олийгоҳлар ва халқаро ҳамкорликда очилган таълим марказлари ҳам мавжуд. Бу таълим муассасалари нафақат вилоят ёшлари, балки мамлакатимизнинг бошқа худудларидан келган талабалар учун ҳам билим манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Олий таълим муассасаларида замонавий лабораториялар, ахборот ресурс марказлари ташкил этилди.

Бу йилларда олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, ички назорат ва таълим сифати мониторинги жорий этилди. Бухоро вилоятидаги олий таълим муассасаларида янги бакалавр ва магистрлик йўналишлари очилди, шунингдек, маҳаллий ва хорижий иш берувчилар билан ҳамкорлик кенгайтирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига олий таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар бошланди. Бухоро вилоятидаги олий таълим муассасаларида ҳам бу жараёнлар сезиларли бўлди. Бухоро давлат университетига академик автономия берилди, Кўшма таълим дастурлари (2+2, 3+1) ва икки дипломли таълим лойиҳалари, Онлайн таълим ва масофавий ўқитиши имкониятларининг кенгайтирилди.

Бухоро туризм салоҳияти юксак ҳудудлардан бири ҳисобланади. Олий таълим муассасаларида туризм, тарих, меъморчилик каби соҳалардаги йўналишлар орқали маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш Бухоро туризмини янада жонлантиришга хизмат

қилмоқда. Бухоро давлат университети қошидаги маҳсус кафедралар бу борада фаол иш олиб бормоқда.

Замонавий Бухоро давлат университети — Илм ва маърифат масканидир. Бугунги кунда Бухоро давлат университети 95 йиллик тарихга эга олийгоҳ сифатида юзлаб фан номзодлари ва докторларини тайёрлаган, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантирган, илмий тадқиқотлар марказига айланган, таълимнинг рақамли ва инновацион усулларини жорий қилмоқда. Бу барча ютуқлар албатта, мадрасаларда асос солинган илмпарварлик анъаналарининг замонавий давомидир.

Бухоро давлат университети — бу шунчаки бир олий таълим муассасаси эмас. У Бухоро маданий ва илмий меросининг, мадрасаларда шаклланган маърифат анъанасининг давомчисидир.

Бугунги кунда биз ушбу бой меросдан ифтихор қилишимиз, уни чуқур ўрганишимиз ва замонавий талабларга мос равишда ривожлантиришимиз зарур.

**Хулоса** қилиб айтганда, Бухоро вилоятида олий таълим – нафақат билим бериш жараёни, балки ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. Унинг тӯғри йўналтирилиши вилоятнинг умумий ривожига катта ҳисса қўшади. Шу боис, олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, уни замон талабларига мос равишда ислоҳ қилиш давр талаби ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Ж.Ф.Йўлдошев. Таълим янгиланиш йўлида. Тошкент Ўқитувчи. 2000 17-б.
2. Бобоҷонова, Ф. X. (2021). Бухоро мадрасалари маънавият дурданаси. Scientific progress, 2(1), 362-366.
3. Бобоҷонова, Ф. X. (2022). Бухородаги Мир-Араб мадрасаси тарихига бир назар. Ёе\_ [kVSSZSc, 94].
4. Bobojonova, F. Issues of construction, material security and organization of activities of madrasas in the Emirate of Bukhara. 2020. B-213.
5. Bobojonova, F. X. Bukhara madrassas are a masterpiece of spirituality. SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601 2021. R-362-366.
6. Bobojonova, F. (2021). Buxoro madrasalari manaviyat durdorasi. Центр научных публикаций (buxdu. uz), 6(6).
7. Bobojonova, F. (2021). Бухоро амирлигидаги янги усул мактабларининг фаолияти. Центр научных публикаций (buxdu. uz), 8(8).
8. Bobojonova, F. (2021). Деятельность школ джадидов в бухарском эмирате в начале XX века. Центр научных публикаций (buxdu. uz), 8(8).
9. Bobojonova, F. (2021). Строительство, материальное обеспечение и организация деятельности бухарского медрасе. Центр научных публикаций (buxdu. uz), 8(8).
10. Bobojonova, F. (2020). Buxoro amirligida XIX asr oxiri XX asr boshlarida ananaviy boshlsngich maktablar holati. Центр научных публикаций (buxdu. uz), 1(1).

11. Bobojonova, F. (2020). Buxoro amirligidagi madrasalarning qurulishi, moddiy-xojalik taminoti va faoliyatini tashkil qilish masalalari. Центр научных публикаций (buxdu. uz), 1(1).
12. Ulug‘bek Toshkenboyevning “Ta’limdagi olamshumul islohotlar zamirida mamlakatimiz taqdiri va farzandlarimiz kelajagi turibdi”. “Yangi O‘zbekiston” gazetasi. 4 Fevral 2022.
13. Юсупов И.С. Янги Ўзбекистонда алоқа тизимида кадрлар тайёrlаш тизимининг янги босқичга кўтарилиш тарихи. Actual problems of the history of Uzbekistan / Актуальные проблемы истории Узбекистана. 2020. 549-б.
14. Ўзбекистонда таълим:талааб ва таклиф мутаносиблиги. Муаллифлар грухи. Тошкент.2007/2008. 126-б.